

Янги Конституция янги имконият.



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича халқ сайлови — референдум бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан Қумқўрғон туманида хотин-қизлар фаоллари учун “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича ўқув-семинари ўтказилди.

Семинарда туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Жумаева, Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши котибият мудири Қ.Чоршанбиев ҳамда маҳалла хотин-қизлар фаоллари иштирок этишди.

Семинар давомида хотин-қизлар фаолларига Конституцияга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар инсон қадрини бунданда юксалишига хизмат қилишини, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини янада ошириш ҳамда 30-апрел куни бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишлари таъкидлаб ўтилди.